**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 1.07.

2017 йил “18” 08

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2017 йил “24” 08

# ЎЗБЕК ТИЛИ

## ФАН ДАСТУРИ

(барча бакалавриат таълим йўналишлари учун)

**Тошкент – 2017**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил "24" 08 даги "603" -сонли буйруғи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2017 йил "18" 08 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| Н.Ҳусанов | – Тошкент молия институти, филология фанлари доктори, профессор. |
| М.Абдурахмонова | – Ўзбекистон Миллий университети, филология фанлари номзоди, доцент. |
| У.Лафасов | – Тошкент давлат шарқшунослик институти, филология фанлари номзоди, доцент. |
| Г.Асилова | – Олий ҳарбий божхона институти, педагогика фанлари номзоди, доцент. |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| М.Ахмедова | – Тошкент ахборот технологиялари университети "Ўзбек ва рус тиллари" кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди. |
| К.Раҳимова | – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Тиллар кафедраси доценти, филология фанлари номзоди. |
| У. Холмухамедова | – Ўзбекистон Миллий университети "Ўзбек тили ва нутқ маданияти" кафедраси катта ўқитувчиси. |

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил "14" 07 даги 6 - сонли баённома).



## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

"Ўзбек тили" фанини ўқитиш Ўзбекистонда истиқомат қиладиган бошқа миллат вакилларининг давлат тилини пухта эгаллашига, миллий, маданий қадриятларни ўрганишига ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига, барча соҳаларда эркин фикр алмашишига ҳамда мутахассислик доирасида мулоқот юритишига замин яратади.

"Ўзбек тили" фани давлат тилида оғзаки ва ёзма мулоқот юритиш, тилнинг орфоэпик ва имло қоидалари, соҳавий терминология, мутахассислик тили, монологик ва диалогик матн тузиш, нутқ услублари, соҳавий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш масалаларини қамраб олади.

Ушбу фан дастури таълим ўзга тилларда олиб бориладиган олий таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш учун меъёрий ҳужжат саналади ҳамда талабалар ўзбек тилидан эгаллашлари шарт бўлган билим, кўникма, малакаларнинг зарурий меъёрини асослаб беради.

"Ўзбек тили" фани гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, биринчи курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

**"Ўзбек тили" фанининг асосий мақсади** талабаларнинг кундалик, илмий ва касбий соҳаларда фаолият олиб бориши учун ўқитишнинг коммуникатив-нутқий тамойили асосида уларда фан бўйича эгалланган билим, кўникмаларни мулоқот ва иш фаолияти жараёнида қўллаш малакасини шакллантиришга қаратилади.

**Фаннинг вазифалари:**

– нутқий компетенцияни ривожлантириш;

– оғзаки ва ёзма нутқда соҳавий терминларни самарали қўллаш кўникмаларини шакллантириш;

– ихтисосликка оид матн тузиш, уни таҳрир ва таҳлил қилиш малакаларини ҳосил қилиш;

– соҳавий ҳужжатларни тузиш, шу жумладан электрон ҳужжатларни тўлдириш ва расмийлаштириш кўникмаларини шакллантириш.

**Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

– ўзбек адабий тили меъёрлари, нутқ услублари тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиш***;

– касбий терминологияни, оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларини ***билиш ва улардан фойдалана олиш;***

– матн тузиш, уни таҳлил ва таҳрир қилиш, соҳавий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, касбий мулоқот юритиш ***кўникмаларига эга бўлиш*** керак.

***Грамматика:***
Ўзбек тилида синонимлар.

**9-мавзу. “Замонавий дунёда таълим”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матнни режа асосида сўзлаб бериш.

***Ёзма нутқ:***
Турли мамлакатларнинг таълим тизимлари ҳақида маълумот тайёрлаш. Чет эллик талабалар ҳаёти акс эттирилган бадиий асар ёки фильм ҳақидаги таассуротларни ёзиш. Турли таълим муассасалари ҳақида полилог тузиш ва уни инсценировка қилиш.

***Грамматика:***
Тил ва терминология.

**10-мавзу. “Китоб мутолааси”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матнни ижодий сўзлаш. Китобни тавсия қилиш усуллари ҳақида фикр билдириш.

***Ёзма нутқ:***
Ўқилган китоблар тўғрисида диалог тузиш ва уни инсценировка қилиш. Ўқилган китоблар рўйхатини тузиш ва уларга қисқача тавсиф бериш.

***Грамматика:***
Эркин ва турғун бирикмалар.

**11-мавзу. “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матнга муносабат билдириб сўзлаш.

***Ёзма нутқ:***
Университет кутубхонаси ҳақида матн тузиш. Электрон кутубхона билан ишлаш бўйича тавсиялар ёзиш. Бадиий асарларга бағишланган интернет сайтларининг рўйхатини тузиш.

***Грамматика:***
Фразеологик бирликларнинг турлари ва услубий хусусиятлари.

**12-мавзу. “Адабиёт – маънавиятни юксалтирувчи манба”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матндаги асосий фикрни ажратиб сўзлаб бериш.

***Ёзма нутқ:***
Бадиий асар қаҳрамони ўқувчини қандай тарбиялаши ҳақида фикр билдириш ва унга мисоллар келтириш. Машҳур адабий қаҳрамонлар ҳақида тақдимот тайёрлаш. Адабиёт ҳақидаги ҳикматли сўзлардан намуналар ёзиш.



***Грамматика:***
Нутқ услублари. Бадиий услуб ва унинг хусусиятлари.

**13-мавзу. “Оммавий ахборот воситалари”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матнга муносабат билдириб сўзлаш. Мавзу бўйича баҳс-мунозарада иштирок этиш.

***Ёзма нутқ:***
Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳақида фикр билдириш. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, газета ва журналлардаги материаллар, реклама матнларини таҳлил қилиш. “XXI асрда ахборотнинг ўрни” мавзусида эссе ёзиш.

***Грамматика:***
Публицистик услуб ва унинг хусусиятлари.

**14-мавзу. “Интернет ҳаётимизда”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Мавзу бўйича баҳс-мунозарада иштирок этиш.

***Ёзма нутқ:***
Интернет маданияти ҳақида матн тузиш. Таълим жараёнида энг кўп фойдаланиладиган интернет сайтлари рўйхатини тузиш ва тавсия қилиш. Интернетдан фойдаланиш тўғрисида полилог тузиш ва уни инсценировка қилиш.

***Грамматика:***
Оғзаки-ёзма услуб ва унинг хусусиятлари.

**15-мавзу. “Ўзбекистон ва жаҳон”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матнни қисқартириб сўзлаб бериш.

***Ёзма нутқ:***
Ўзбекистон аъзолик қилаётган халқаро ташкилотлар ҳақида маълумот тайёрлаш. Халқаро ташкилотлардан бирининг фаолияти ҳақида тақдимот тайёрлаш. Халқаро ташкилотларнинг қисқартма номлари рўйхатини тузиш.

***Грамматика:***
Расмий дипломатик услуб ва унинг хусусиятлари.

**16-мавзу. “XXI асрда инновациялар”**

***Оғзаки нутқ:***
Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Турли соҳаларга оид инновациялар ҳақида гапириб бериш.

***Ёзма нутқ:***
“Замондошларимизнинг кашфиётлари” мавзусида тақдимот тайёрлаш.

Касб сохасидаги инновациялар хақида маълумот тайёрлаш. Сохада қўлланадиган байналмилал сўзлар луғатини тузиш.

*Грамматика:*

Илмий услуб ва унинг хусусиятлари.

### 17-мавзу. "Давримизнинг глобал муаммолари"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матнни ўзгартириб сўзлаб бериш. Мавзу бўйича бахс-мунозарада иштирок этиш.

*Ёзма нутқ:*

Инсоният олдида турган глобал муаммолар тўғрисида тақдимот тайёрлаш.

Глобал муаммолардан бирига бағишланган публицистик мақола ёзиш.

*Грамматика:*

Мақола ва унинг турлари.

### 18-мавзу. "Табиат ва инсон"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матнни ижодий сўзлаш.

*Ёзма нутқ:*

Дунёда ва Ўзбекистонда мавжуд экологик муаммолар ҳақида эссе ёзиш. "Орол фожиаси" мавзусида тақдимот тайёрлаш. Ўзбекистон экологик харакатининг фаолияти тўғрисида маълумот тайёрлаш.

*Грамматика:*

Интервью олиш ва интервью бериш қоидалари.

### 19-мавзу. "Инсон ва саломатлик"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матнга муносабат билдириб сўзлаш. Мавзу бўйича бахс-мунозарада иштирок этиш.

*Ёзма нутқ:*

"Саломатлигимиз ўз қўлимизда" мавзусида эссе ёзиш. Жахон медицинаси ютуқлари ҳақида тақдимот тайёрлаш. Саломатлик ҳақидаги ўзбек халқ мақолларидан намуналар ёзиш. Меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тузиш.

*Грамматика:*

Репортаж тайёрлаш.

### 20-мавзу. "Ҳуқуқий маданият"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матндаги асосий фикрни ажратиб сўзлаб бериш.

*Ёзма нутқ:*

"Қонунларни ўрганиш ва уларга риоя қилиш" мавзусида матн тузиш.



Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида диалог тузиш. Умумхалқ лексикасига кирган ҳуқуқий терминлар луғатини тузиш.

*Грамматика:*

Расмий-идоравий услуб ва унинг хусусиятлари.

### 21-мавзу. "Ўзбекистонда олий таълим"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матнни кенгайтириб сўзлаб бериш.

*Ёзма нутқ:*

Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари хақида маълумот тайёрлаш. Олий таълим муаммоларига бағишланган илмий мақола ёзиш. Олий таълим терминлари луғатини тузиш. Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг номларини қисқартма отлар шаклида ифодалаш.

*Грамматика:*

Услубий хосланган ва услубий бетараф сўзлар

### 22-мавзу. "Илм масканимиз ҳаётидан"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги ном ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матнни ўзгартириб сўзлаб бериш.

*Ёзма нутқ:*

Илм маскани ҳақида тақдимот тайёрлаш. Университет (институт)да ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлардан репортаж тайёрлаш. Илм масканига тарихи ҳақида боғланишли матн тузиш.

*Грамматика:*

Сўзлашув услуби ва унинг хусусиятлари. Шевага хос сўзлар.

### 23-мавзу. "Бўлажак касбим"

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изохлаш. Матнга муносабат билдириб сўзлаш.

*Ёзма нутқ:*

Касб танлови тўғрисида эссе ёзиш. Касб-ҳунар мавзусида ўзбек мақолларидан намуналар ёзиш. Мутахассисликка оид терминлар луғатини шакллантириш.

*Грамматика:*

Матн ва унинг кўринишлари.

### 24-мавзу. "Ҳаёт менинг тасаввуримда"

*Оғзаки нутқ:*

Ҳаётга муносабат ва қизиқишлар ҳақида гапириб бериш. Инсон баркамолликка эришиши учун нималар қилиши кераклиги хақида фикр билдириш. Ҳаётдаги идеални тасвирлаб бериш. Мавзу бўйича бахс-мунозарада иштирок этиш.

*Ёзма нутқ:*

"Ҳаёт менинг тасаввуримда" мавзусида эссе ёзиш. Ҳаётдаги мақсадлар ва орзулар ҳақида диалогик матн тузиш ва уни инсценировка қилиш.

*Грамматика:*

Диалогик матннинг маъно муносабатига кўра турлари.

**25-мавзу. "Устоз мактаби"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матнни ижодий сўзлаш. Устозларга бағишланган шеър ёд олиш.

*Ёзма нутқ:*

Касбий фаолиятда устоз ва шогирд анъаналари тўғрисида матн тузиш. Устозлар ҳақида эссе ёзиш. Устоз ҳақидаги ривоятлардан намуналар ёзиш.

*Грамматика:*

Монологик матн. Монологик матнда мазмун изчиллиги ва оҳанг.

**26-мавзу. "Касбим тарихи"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матнни режа асосида сўзлаб бериш. Танланган касб ҳақида ривоят ёки ҳикоя сўзлаб бериш.

*Ёзма нутқ:*

"Соҳанинг вужудга келиши ва ривожланиши" мавзусида матн тузиш. Касб тараққиёти ҳақидаги маълумотлардан хронологик жадвал тузиш. Иш жараёнидаги мулоқот вазиятларини акс эттирувчи касбий ўйин сценарийсини тузиш ва уни инсценировка қилиш.

*Грамматика:*

Соҳа луғатлари. Уларда терминлар ва бирикмаларнинг берилиши.

**27-мавзу. "Иқтидор ва меҳнат"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матнга муносабат билдириб сўзлаш. Мавзу бўйича баҳс-мунозарада иштирок этиш.

*Ёзма нутқ:*

"Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?" мавзусида эссе ёзиш. Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида маълумот ёзиш. Касб соҳасида муваффақиятга эришиш тўғрисида диалог тузиш ва уни инсценировка қилиш.

*Грамматика:*

Матнга сўз ва термин танлаш.

**28-мавзу. "Етук мутахассис"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги қўшимча фикрни ажратиб сўзлаб бериш. Малакали мутахассис ҳақидаги тасаввурларни гапириб бериш.



*Ёзма нутқ:*

"Соҳамиз равнақи" мавзусида матн тузиш. Мутахассиснинг касбий компетенциялари рўйхатини тузиш ва уларни мисоллар билан изоҳлаб бериш.

*Грамматика:*

Матн таҳлили ва таҳрири.

**29-мавзу. "Касб байрами"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матнни ўзгартириб сўзлаб бериш. Турли мамлакатларда нишонланадиган шу касб эгаларининг байрамлари ҳақида гапириб бериш.

*Ёзма нутқ:*

Касб байрами ҳақида матн тузиш. Касб байрамига бағишланган репортаж ёзиш. Репортаж мазмунини резюме кўринишида ифодалаш.

*Грамматика:*

Матн мазмунининг қисқача баёни (резюме), унинг тузилиши ва ифода материалининг хусусиятлари.

**30-мавзу. "Шарқ академиялари"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матнни давом эттирган ҳолда сўзлаб бериш. Илмга фидойилик тушунчасини мисоллар билан таърифлаб бериш.

*Ёзма нутқ:*

Ихтисослик соҳасининг аҳамияти тўғрисида илмий услубдаги маълумотнома матнини тайёрлаш. Фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимлар ҳақида реферат тайёрлаш.

*Грамматика:*

Реферат матни, унинг тузилиши ва ифода материалининг хусусиятлари.

**31-мавзу. "Илм сари йўл"**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матнни қисқартириб сўзлаб бериш. Илмий ишларнинг фан ва соҳа ривожига қўшадиган ҳиссаси ҳақида гапириб бериш.

*Ёзма нутқ:*

"Соҳа ривожида фаннинг ўрни" мавзусида матн тузиш. Илмий ишларнинг турлари ҳақида қисқача тавсифлар ёзиш.

*Грамматика:*

Тақриз матни, унинг тузилиши ва ифода материалининг хусусиятлари.

**32-мавзу. "Касб этикаси"**

*Оғзаки нутқ:*

Соҳа ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан танишиш ва улар ҳақида гапириб бериш. Одоб–ахлоқ мавзусидаги ҳикматларни ёд олиш. Мавзу бўйича баҳс-мунозарада иштирок этиш.

*Ёзма нутқ:*

Одоб-ахлоқ мавзусидаги китобга аннотация ёзиш. “Мутахассиснинг одоби ва ахлоқи” мавзусида диалог тузиш ва уни инсценировка қилиш.

*Грамматика:*

Аннотация матни, унинг тузилиши ва ифода материалининг хусусиятлари.

**33-мавзу. “Нутқ одоби”**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матнга муносабат билдириб сўзлаш. Касбий фаолиятда нутқ маданиятининг аҳамияти ҳақида гапириб бериш.

*Ёзма нутқ:*

“Мутахассиснинг нутқ маданияти” мавзусида матн тузиш. Иш жараёнидаги муомала маданияти ҳақида касбий ўйин сценарийсини тузиш ва уни инсценировка қилиш.

*Грамматика:*

Меъёр тушунчаси.

**34-мавзу. “Санъат ва маънавият”**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги терминларнинг маъносини изоҳлаш. Матнни ижодий сўзлаш.

*Ёзма нутқ:*

“Санъат менинг ҳаётимда” мавзусида эссе ёзиш. Санъаткорларни таърифлаб, реклама матнини тайёрлаш. Ўзбек киносининг мавзулари ва муаммолари ҳақида публицистик мақола ёзиш. Маданий ҳордиқ одоби қоидаларини ёзиш.

*Грамматика:*

Умумхалқ лексикасига кирган санъатшунослик терминлари.

**35-мавзу. “Мен севган асар”**

*Оғзаки нутқ:*

Севимли асар ҳақида сўзлаб бериш. Замонавий ўзбек адабиёти ҳақидаги маълумотларни гапириб бериш. Машҳур ўзбек шоирлари ижодидан намуналар ёд олиш.

*Ёзма нутқ:*

“Адабиётнинг киши руҳий дунёсига таъсири” мавзусида эссе ёзиш. Янги китоблар ҳақида полилог матнини тузиш ва уни инсценировка қилиш.

*Грамматика:*

Бадиий тасвир воситалари.

**36-мавзу. “Иқтисод ва ҳаёт”**

*Оғзаки нутқ:*

Мавзуга оид матнни ўқиб тушуниш. Матндаги термин ва ибораларнинг маъносини изоҳлаш. Матндаги асосий фикрни ажратиб сўзлаб бериш.

*Ёзма нутқ:*



Мамлакат иқтисодиётида юз берган янгиликлар ҳақида хабар тайёрлаш.

Иқтисодий терминлар таркибидаги қисқартма отлар луғатини тузиш. Иқтисодиётга оид қизиқарли маълумотларни топиб ёзиш.

*Грамматика:*

Умумхалқ лексикасига кирган иқтисодий терминлар.

**37-мавзу. “Иш юритиш тили ва услуби”**

Ҳужжат – иш юритишнинг асоси. Ҳужжатчилик тарихи. Норматив (меъёрий) ҳужжат тушунчаси. Ҳужжат айланиши. Электрон ҳужжатлар.

*Ёзма нутқ:*

“Ҳужжатлар тарихи” мавзусида матн тузиш. Иш юритиш терминларининг луғатини тузиш.

**38-мавзу. “Ҳужжат турлари ва хусусиятлари”**

Ҳужжатларнинг таснифланиши. Ҳужжат реквизитлари. Ҳужжат тайёрлашнинг асосий қоидалари.

*Ёзма нутқ:*

Иш юритиш ҳужжатларнинг рўйхатини тузиш. Уларни кластер шаклида таснифлаш.

**39-мавзу. “Ташкилий ҳужжатлар ва уларнинг турлари”**

Ташкилий ҳужжатларнинг вазифаси. Ташкилий ҳужжатларнинг турлари. Ташкилий ҳужжатларнинг лексик ва стилистик хусусиятлари. Шартнома. Меҳнат шартномаси. Низом. Йўриқнома.

*Ёзма нутқ:*

Меҳнат шартномаси матнини тузиш. Меҳнат шартномасидаги таянч сўзларни ажратиб ёзиш. Олий таълим муассасаси Низомининг тузилишини ёзиш.

**40-мавзу. “Фармойиш ҳужжатлари ва уларнинг турлари”**

Фармойиш ҳужжатларининг вазифаси. Фармойиш ҳужжатларининг турлари. Буйруқ. Фармойиш. Кўрсатма. Фармойиш ҳужжатларининг лексикаси ва стилистик хусусиятлари.

*Ёзма нутқ:*

Олий таълим муассасаси буйруғининг матнини тайёрлаш. Фармойиш ҳужжатларида қўлланадиган таянч сўзларни ёзиш.

**41-мавзу. “Маълумот-ахборот ҳужжатлари”**

Маълумот-ахборот ҳужжатларининг вазифаси. Маълумот-ахборот ҳужжатларининг турлари. Таржимаи ҳол. Билдирги. Тавсифнома.

*Ёзма нутқ:*

Таржимаи ҳол ёзиш. Тавсифнома ёзиш.

**42-мавзу. “Ишончнома. Тилхат. Тушунтириш хати”**

Расмий ва шахсий ишончномалар. Тилхатнинг зарурий қисмлари ва уни тузувчи шахслар. Тушунтириш хатининг турлари.

*Ёзма нутқ:*
Тилхат матнини тузиш. Тушунтириш хати ёзиш.

### 43-мавзу. "Далолатнома. Маълумотнома"

Далолатноманинг зарурий қисмлари ва уни тузувчи шахслар. Маълумотнома турлари. Маълумотномани расмийлаштириш.

*Ёзма нутқ:*
Талабалар гуруҳининг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳақида маълумотнома тузиш.

### 44-мавзу. "Мажлис баёни. Ҳисобот"

Баённомаларнинг турлари. Мажлис баёни. Мажлис баёнидан кўчирма. Ҳисобот турлари. Даврий ҳисоботлар. Ўқув амалиёти ҳисоботи.

*Ёзма нутқ:*
Мажлис баёнини тузиш. Ўтказилган тадбир тўғрисида ҳисобот ёзиш.

### 45-мавзу. "Хизмат ёзишмалари. Хатлар"

Хизмат ёзишмаларининг вазифаси. Хизмат хатларининг турлари. Сўров хати. Илтимос хати. Жавоб хати. Илова хат. Тасдиқ хати. Эслатма хат. Даъво хати. Талаб хати. Ахборот хати. Кафолат хати.

*Ёзма нутқ:*
Хизмат хатларининг матнларини тузиш.

## IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳни 2 га ажратган ҳолда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтказилиши, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар қўлланиши мақсадга мувофиқ.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган **мавзулар:**

1. Буюк Ипак йўли ва унинг инсоният тарихидаги ўрни.
2. Тўмарис ва Широқ ҳақидаги афсоналар.
3. Қомусий олим Ал Хоразмий.
4. Аҳмад ал Фарғоний ва унинг мероси.
5. Абу Наср Форобий ва унинг буюк асарлари.
6. Ибн Синонинг "Тиб қонунлари".
7. "Темур тузуклари".
8. Мирзо Улуғбек – олим ва давлат арбоби.
9. Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси.
10. Жадидчилик ҳаракати намояндалари.
11. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.
12. Миллий маданий марказлар.
13. Ўзбекистон музейлари.
14. Дунёнинг машҳур университетлари.



15. Терроризм ва унинг инсониятга таҳдиди.
16. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти.
17. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали.

Мустақил ишни қуйидаги **топшириқлар** кўринишида бажариш тавсия этилади:

– мавзу бўйича расмий ахборот тайёрлаш;
– мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
– мавзу бўйича электрон тақдимот (PPT) тайёрлаш;
– мавзу бўйича альбом тайёрлаш;
– мавзу бўйича лойиҳа яратиш;
– мавзу бўйича диалогик матн тузиш;
– мавзу бўйича монологик матн тузиш;
– терминлар луғатини тузиш;
– матнни ўзбек тилига таржима қилиш;
– бадиий асарни мутолаа қилиш;
– шеър ёдлаш;
– мавзу бўйича баҳс-мунозарага тайёрланиш;
– эссе ёзиш;
– мақола ёзиш;
– мақолага тақриз ёзиш;
– ҳикоя тузиш;
– оммабоп мақола тайёрлаш;
– репортаж тайёрлаш;
– берилган мавзуда кластер тузиш;
– мавзуга оид сўзлардан кроссворд тузиш;
– маълумотлардан жадвал тузиш;
– иш юритиш ҳужжатларидан намуналар тайёрлаш.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар

1. Muhiddinova X., Salisheva Z., Po'latova X. O'zbek tili (oliy ta'lim muassasalari rus guruhlari uchun darslik). – Toshkent: O'qituvchi, 2012. – 288 b.
2. Normatova SH., Abdurahmonova M. O'zbek tili (darslik). – Toshkent: JIDU, 2014. – 192 b.
3. Fayzullayeva SH., Azimova H., Usmonova G. O'zbek tili (oily o'quv yurtlarining iqtisodiy ta'lim yo'nalishlari talabalari uchun o'quv qo'llanma). – Toshkent: Iqtisodiyot, 2012. – 108 b.
4. Yuldasheva SH., Kabulova D., Sobirova M. O'zbek tili (o'quv qo'llanma). – Nukus: Bilim, 2013. – 156 b.
5. Husanov N., Xo'jaqulova R., Dilmurodova N. O'zbek tili (o'quv qo'llanma). – Toshkent: TMI, 2017. – 336 b.
6. Lafasov U. O'zbek tili (o'quv qo'llanma). – Toshkent: ToshDSHI, 2016. – 532 b.

**Қўшимча адабиётлар**

7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни (янги таҳрирда) / ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989. – 26–28-сон, 453-модда; 1991. – 11-сон, 273-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. ЎзР Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997. – 9-сон, 225-модда; 2013. – 41-сон, 543-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони / ЎзР ҚХТ, 2017. – 6-сон, 70-модда; 20-сон, 354-модда.

10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176

11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.- 56 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

13. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 48 б.

14. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 488 б.

15. Аминов М., Мадвалиев А., Махкамов Н., Махмудов Н. Иш юритиш (амалий қўлланма) – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2014.–456 б.

16. Asilova G. Bojxona tizimida me'yoriy hujjatlarni yuritish (rus guruhlari uchun o'quv qo'llanma). – Toshkent, 2016. – 176 b.

17. Iskandarova G., Gulibonu Keybatuli. O'zbek tili darsligi (xitoyliklar uchun). – Pekin, 2016. – 348 б.

18. Alo Raun. Basic course in uzbek. Published by Indiana University, 1996.

19. Turdiyeva K., Ahmedova D. O'zbek tili (tibbiyot institutlarining rus guruhlari talabalari uchun darslik). – Toshkent: Musiqa, 2007. – 206 b.

20. Qahhorova H., Muhammedova S. O'zbek tili. -Toshkent: Universitet, 2004. – 192 b.

21. Рафиев А. ва б. Чет элликлар учун ўзбек тили. II қисм (CD дискда). – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

22. Rafiyev A., Mahmudov N., Yuldashev I. Nutq madaniyati va davlat tilida ish yuritish. – Toshkent, 2013. – 143 b.

23. Русча-ўзбекча луғат (2 жилдли). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013.

24. Usmonova Sh. O'zbek tili (koreyslar uchun). – Pusan, 2005. – 182 b.

25. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (5 жилдли). – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005–2008.

**Интернет сайтлари**

1. http://teachyourselfuzbek.com/resources/coursebooks/ – Самоучитель узбекского языка.



2. http://solver.uz/translate.php – Русско-узбекский переводчик.
3. http://sahifa.tj/russko_uzbekskij_razgovornik.aspx – Русско-узбекский разговорник.
4. http://sahifa.tj/uzbeksko_russkij.aspx – Узбекско-русский переводчик.
5. https://my.gov.uz/ - Ягона интерактив давлат хизматлари портали.
6. https://www.lex.uz. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
7. http://library.ziyonet.uz/ – таълим портали